

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИПАКЧИЛИК ВА ТУТЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

УМУМИЙ ЗООТЕХНИЯ КАФЕДРАСИ

Бакалавриат 5410600-Зоотехния (турлар бўйича) йўналиши

4-92 гуруҳ талабаси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

АМАНДАВЛАТОВА ГУЛАСАЛ АДИНАҚУЛ ҚИЗИ

**Мавзу: “Ш.Мирахмедов” фермер хўжалиги шароитида
голштинлаштирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигини таҳлили”**

Илмий раҳбар: Умумий зоотехния
кафедраси доценти, қ.-х.ф.н.

Ғ.Б.Амантурдиев

“Ишни кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

Умумий зоотехния кафедраси
Кафедра мудири, қ.-х.ф.д., доцент

Ў.Р.Соатов
« ____ » _____ 2020 й.

Ипакчилик ва тутчилик
факультети декани, доцент

Н.О.Ражабов
« ____ » _____ 2020 й.

Тошкент-2020

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
1.	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	5
2.	ТАДҚИҚОТНИ БАЖАРИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ.....	28
2.1.	Тадқиқот объекти.....	28
2.2.	Ишни бажариш услуги.....	29
3.	АСОСИЙ ҚИСМ.....	30
3.1.	“Сут булоғи” фермер хўжалигига тавсиф.....	30
3.2.	Ҳайвонларни озиклантириш.....	32
3.3.	Тажрибадаги ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланиши.....	42
3.4.	Тажрибадаги молларнинг тана тузилиши хусусиятлари.....	48
3.5.	Тажрибадаги молларнинг клиник кўрсаткичлари.....	52
3.6.	Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги.....	53
	ХУЛОСАЛАР.....	54
	АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР.....	55
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	56

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз чорвачилигида сутчилик қорамолчилиги алоҳида ўрин тутиб муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамият касб этади. Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қабул қилган 28 март 2019 йилдаги ПҚ-4254 сонли “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори чорвачиликни жадал ривожлантиришнинг янги имкониятларини ишга солади. Қўмита таркибида “Ўзбекчорванасл” агентлигини ташкил этилиши наслчилик ишини ривожлантириш ва наслчилик базасини мустахкамлашга дастури амал бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда сут етиштиришни кўпайтириш шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида озуқа захираларини яратиш, наслчилик ишини йўлга қўйиш, ҳайвонларнинг генетик имкониятларини рўёбга чиқариш, илғор технологияларни жорий қилиш билан сермахсул подалар яратиш билан хар бош сигирдан камида 3000-4000 кг сут соғиб олиш билан таъминланиши зарур. Республикамизда сут ишлаб чиқариш ва сут гўшт йўналишидаги сигирлар эвазига амалга оширилиб, уларнинг 60 % дан кўп қисмини қора-ола ва голштинлаштирилган моллар, қисман голштин сигирлари ҳисобига ишлаб чиқарилмоқда.

Айниқса фермер хўжаликларида подани қайта тиклаш учун урғочи бузоқ, тана ва ғунажинларни ўстириш талаблар даражасида бўлмаслиги (ўртача кунлик ўсиш 300-400 г) таналарни ўз вақтида қочирилмаслиги, ғунажинларни туғишга тайёрланмаслиги натижасида жуссаси кичик, сут маҳсулдорлиги юқори бўлмаган сигирлар етиштирилмоқда.

Мамлакатимизда сутчилик қорамолчилигини тезкор ривожлантириш подани қайта тиклаш учун урғочи таналар ва ғунажинларни жадал ўстириш эвазига фермер ва деҳқон хўжаликларини биринчи тукқан сермахсул сигирлар билан тўлдиришни тақозо этади.

Урғочи тана ва ғунажинларни ўстириш сермахсул подалар яратиш билан республикамизда Акмалхонов Ш.А. (1976-1986), Носиров У.Н (1989), Хидиров И.Х (1984-1989), Аширов М.Э (1976-1994), Карибоев Х.К (1989), Максудов И (1994), Ғиёсов Х. (1989) ва бошқалар шуғулланганлар.

Кўпгина юқоридаги олимлар тадқиқотлари йирик хўжаликлар, комплекслар шароитида ўтказилган бўлиб ҳозирги фермер ва деҳқон хўжаликларидаги ҳайвонларни сақлаш, озиқлантириш шароитларига мос келавермайди.

Шу боисдан фермер хўжалиги шароитида республикамизнинг барча хуудлари учун режали бўлган қора-ола зоти ва унга турдош зотлар бузоқлари, урғочи таналари ва ғунажинларининг жадал ўстириш (16-18 ойлигида 350-360 кг вазнда қочириш 26-27 ойлигида ғунажинларнинг туғишини таъминлаш) эвазига сермахсул қора-ола сигирлар подаларини яратиш долзарб ҳисобланиб илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Тадқиқотнинг мақсади “Сут булоғи” фермер хўжалиги шароитида қора-ола ва голштин урғочи таналарни жадал ўстириш эвазига, ҳайвонларнинг ирсий имкониятларини рўёбга чиқариш билан сермахсул биринчи туққан сигирлар етиштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Турли генотипли ҳайвонлар ирсий маҳсулдорлик имкониятларини очиш;
- Ҳайвонларни деталлаштирилган рационларда боқиш;
- Фермер хўжалигида урғочи таналарни енгил, арзон қурилмалардан фойдаланиб жадал ўстириш.

